

## **СЕЛ-ТОШҚИН СУВЛАРИНИ ЎТКАЗИБ ЮБОРИШ.**

Сел ва кучли оқим кутилаётган вақтларда эксплуатация хизматидан тезкорлик билан иш олиб бориш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бошқармаси (Ўзгидромет) кучли ёғаётган ёмғирлар ва селнинг келиш эҳтимоли тўғрисида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини огоҳлантиради ва давом этаётган кучли ёмғир, сел-тошқинлар тўғрисида ҳам маълумот берниб боради. Гидрометеорология бош бошқармасидан огоҳлантириш ҳақидаги маълумотни олиши билан сув омборини максимал сатҳгача тўлдирмасдан ёмғир сувлари учун заҳира ҳажм сақланади.

Жала тошқинларини ўтказиш даврида сув омборини максимал сатҳда тутиб туриш, кучли ёмғир ёғиши характерига боғлиқ ҳолда сув чиқариши иншооти очилишига ва сув чиқарувчи каналнинг сув қабул қилиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Ҳалокатли сув сарфини ўтказиш сув ташлаш иншооти орқали амалга оширилади. Бундай ҳалокатли сув сарфини ўтказиш даврида қўйи бъефда жойлашган аҳоли яшаш жойларини олдиндан огоҳлантириш лозим, чунки қўйи бъефда, дарё ўзанида ювилишлар руй бериши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сел-тошқин сувларини ўтказиш даврида сув омборининг юқори ва қўйи бъефидаги сув сатҳи, иншоотдан ўтаётган сув миқдори ва тўғоннинг ҳолати кечаю-кундуз тўхтовсиз кузатиб турилади. Бунда қўйидаги ҳолатларга асосий эътибор қаратилади:

- чўкиш ёки бошқа кўринишдаги деформациялар;
- ёриқларнинг пайдо бўлиши;
- қопламаларнинг бузилиши;
- қияликларнинг ўпирилиши ва қирғоқларнинг бузилиши;
- иншоотлар асосидан ва уни айланиб ўтаётган фильтрацияни лойиҳадаги билан таққослаш;
- сув чиқариш иншооти ҳудудида лойқа-чўкиндиларни тўпланиши;
- сув сатҳининг меъёр даражасида эканлиги.

Сел-тошқин сувлари ўтказиб юборилгандан кейин иншоотлар ҳолати кўздан кечирилади. Носозликлар аниқланадиган бўлса қайта таъмирлаш-тиклиш ишлари графиги тузилади ва шу график асосида таъмирлаш ишлари олиб борилади.